**E- Global Congress**
Hosted online from Dubai, U. A. E., E - Conference.
Date: 29th May 2024
**Website:** https://eglobalcongress.com/index.php/egc
ISSN (E): 2836-3612

# АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШ ҲАҚИГА ДОИР СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тураев Шахриёр Шодиёрович
мустақил тадқиқотчи. ўзбекистон республикаси адвокатлар палатаси самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бош бухгалтери.

**Аннотация:**
мақолада юридик хизматни амалга оширишда уни амалга ошираётган адвокат ва унга нисбатан туланиши лозим гонарарлар миқдори муҳумлиги, хизматларни учун туланадиган маблаг ким томонидан ва канча миқдорда эканлигига қараб адвокатга иш ҳақи унга нисбатан солиқтўловларини тўланишилиги, юридик хизматни сифат ва самарадорлиги ошиб боришлиги, адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини алохида кўрсатиб бериш, адвокатура институтини янада ривожлантириш учун унинг ижобий ютуқларидан самарали фойдаланишни механизмларини янада такомиллаштириш аниқ амалий кўрсаткичлар орқали кўрсатиб берилган.

**Аннотация:**
В статье рассмотрено значение адвоката, оказывающего юридическую услугу, и размер вознаграждения, подлежащего уплате ему, налоговые выплаты адвокату в зависимости от того, кому и сколько денег платят за услуги, повышение качества и эффективности. юридической службы, развитие института юридической службы, преступности, показывая роль адвокатов при рассмотрении гражданских, административных и экономических дел, а также дальнейшее совершенствование механизмов эффективного использования ее положительных достижений для дальнейшего развития юридической службы. учреждения показаны через конкретные практические показатели.

**Abstract:**
The article discusses the importance of a lawyer providing legal services and the amount of remuneration payable to him, tax payments to the lawyer depending

on who and how much money is paid for services, improving quality and efficiency. legal service, development of the institution of legal service, crime, showing the role of lawyers in considering civil, administrative and economic cases, as well as further improvement of mechanisms for the effective use of its positive achievements for the further development of the legal service. institutions are shown through specific practical indicators.

**Калит сўзлар:** юридик хизмат, солиқ, молиявий ҳисобот, адвокатнинг даромади, сақлаш учун олинган қисми.

**Ключевые слова:** юридическая услуга, налоги, финансовая отчетность, доходы юриста, нераспределенная прибыль.

**Key words:** legal services, taxes, financial reporting, lawyer's income, retained earnings.

Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонунни 4-моддасига мувофиқ, адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширишлишги, адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатганлик учун улардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан таъминот олишлиги белгиланиб, бу таъминотнинг адвокат томонидан юридик хизмат (ёрдам) орқари тушумидан, тузилманинг сақлаш учун олинган қисмидан қолгани адвокатнинг даромади хисобланади ва тузилмаларини сақлаш учун ажратилган маблағлардан маъмўрий- техник ходимларнинг иш ҳақини тўлаш, адвокатлик тузилмасининг фаолият учун моддий техника билан таъминлаш, ижара ҳақини тўлаш, коммунал хизматларни ва алоқа хизматларини тўлаш, банк хизматлари учун ҳақ тўлаш, каби маъмўрий харажатлар учун сарфланади.

Республикамизда солиқ ва унинг тўловларини такомиллаштиришда қўйидаги йўналишлар белгилаб олинган ва у йуналишлар оркали такомиллаштириш вазифалари амалга оширишни мақсад қилинган:

Солиқ ислоҳотининг биринчи йўналиши - иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик

**Website:** https://eglobalcongress.com/index.php/egc
ISSN (E): 2836-3612

юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш.

Солиқ ислоҳотининг иккинчи йўналиши - солиқларни бирхиллаштириш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш.

Солиқ ислоҳотининг учинчи йўналиши - макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш.

Солиқ ислоҳотининг тўртинчи йўналиши:

- солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;
- солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш.

Солиқ ислоҳотининг бешинчи йўналиши - солиқ назоратининг шакл ва механизмларини жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Бизга маълумки солиқ қонунчилигимизга асосан солиқ ҳисоботларини кечиктирган тақдирда мансабдор шахсга нисбатан жаримадан ташқари корхонанинг ўзига ҳам жарима солинади. Ҳисобот юзасидан ҳар бир кечиктирилган кун учун 1% миқдорида, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 10%идан ортиқ (бу миқдорни бир куриш керак ) бўлмаган миқдорида жарима ундирилади, шу билан бирга ҳисобот топширишнинг белгиланган муддатидан эътиборан 10 кундан кейин солиқ органи корхонанинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриши мумкинлиги ва унинг фаолияти бухгалтер солиқ ёки молиявий ҳисобот топширмагунча музлатиб қўйилиши.

Булардан ташқари, солиқларни тўлаш муддатини бузганганлик учун пеня ҳисобланиб корхона нафақат ҳисобот топширишни кечиктирса, балки

E-Global Congress
Open Access | Peer Reviewed | Conference

солиқни ҳам ўз вақтида тўламаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня ҳисобланади ва у мажбурий тарзда ундирилади.

Шулар билан бирга

мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарима – БҲМнинг 1 бараваридан 3 бараваригача, башарти бу йил давомида биринчи ҳуқуқбузарлик бўлса;

корхона учун жарима – ҳисоботда кўрсатилган ва тўланиши лозим бўлган сумманинг 1%дан 10%игача;

ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня – солиқнинг тўланмаган суммасининг МБ қайта молиялаш ставкасининг 1/300 га тенг фоизи;

ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш – солиқ инспекцияси қарорига асосан ҳисобот топширилган пайтга қадар, бироқ 10 кундан кўп эмас. 10 кундан ортиқ бўлса – суд қарорига асосан;

корхонани ҳуқуқбузарларнинг очиқ-ошкора рўйхатига киритиш – Солиқ соҳасида жамоатчилик назорати каби қулланилиши лозим иқтисодий жазолар мавжуд.

Адвокат томонидан юридик хизмат (ёрдам)ни кўрсатиб бўлгандан сўнг бажараилган ишлар юзасидан хар бир адвокат алоҳида ўзининг адвокатлик тўзилмасининг бухгалтерияга қўйидаги кўринишдаги молиявий хисоботлар топширади:

Тасдиклайман

________________________”АДВОКАТЛИК тузилмаси

Адвакати __________________________

(Ф.И.Ш)

2023 йил _____________________ойидаги

М О Л И Я В И Й  Ҳ И С О Б О Т И

| Т/р | Мижознинг Ф.И.О | Шартнома мазмуни | Сана | Тергов, ИИБ, МХХ,прок Суд босқичи | Жиноят ишида ишти этиш.бошланиш. (гувох,гум,айб,қ-к ) | Шарт № | Патта № | Ордер № | Микдори (сум) | Иш бажар (бажарилмаган) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

ЖАМИ ________________ (
____________________________________________) СУМ

Сумма сўз билан

**Адвокат: ___________ ___________________**

**(имзо) (И.Ф.Ш.)**

Топширилган ҳисобот асосида ушланма ва ажратмалар ажратилади, бюджет туловлари ҳисобланиб адвокатга тегишли миқдор чиқарилади, бунда ажратма ҳисобланган ижтимоий солик тулови ҳам адвокатнинг гонораридан ушланади ва қолгани иш ҳақи фонди сифатида солиқга тортилади.




Солиқ кодексининг 384-моддасида ҳисобот даври календарь йил солиқ давридир, солиқ агентлари учун ҳисобот даври бир ойлиги белгиланган. Ушбу кодекснинг 389-моддасида солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби ва муддатлари кўрсатилиб унда солиқ агентлари ўзларининг солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги солиқ органига тақдим этиши шартлиги белгиланиб унда:

-солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида — солиқ органларига тўлов манбаидан солиқ солинмаган моддий наф тарзида даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган шаклдаги маълумотномани топширишлик;

- ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай топширишлик; белгилаб қуйилган.

Топширилган ҳисоботлар юзасидан пайдо бўладиган солиқ тўловларини, Солиқ кодексининг 15-бобида солиқ қарзини ундириш юзасидан қоидалар белгиланган бўлиб, бунга амал қилиш мажбўрийдир.

E-Global Congress
Open Access | Peer Reviewed | Conference